ТАСДИҚЛАЙМАН
Қўштепа тумани Мактабгача таълим бўлими мудири
_____________ И.Б.Маҳмудова

Бажарувчи ташкилотини танлаб олиш учун

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Қўштепа – 2022

# Танлов иштирокчилари учун техник топшириқ

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмета: Мактабгача таълим бўлимига қарашли 39-сонли ДМТТ да жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш

1.2. Танлов охирги қиймати 302 766 034 сум . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ютиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади**

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 календар кун.

1.5 Ишларни бошлаш муддати аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 **Фарғона вилояти Қуштепа туман Мактабгача таълим бўлими.(бундан** кейин-"Буюртмачи" деб аталади) -танлав ташкилотчиси хисобланади.

"Буюртмачи" манзили: **Қуштепа тумани Шодлик МФЙ**.адрес:

2.2 Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3 Танлов - "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади: танлов предмети қийматининг камида 10 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси. ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган мехнат ресурслари ва мутахассисларининг мавжудлиги:

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
- танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги:
- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар(хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштиришни зарур бўлса. танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиши (ажратилиши. қўшилиши). тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар: мол-мулки мусодара қилинганлар. хамда муассислик келишув. молиявий иштирок. холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар. маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3 Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим

• Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак;

• Нархлар кисми. Танлов шартларида белғиланган нархлар доирасида. хизматларни бажариш муддатлари. туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошка боғлик курсаткичлар куурсатилган булиши керак.

• Нархлар таклифи ва нархлар буйича жадвал тулдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

-факат битта таклиф бериши мумкин;

- такдим этилаётган хужжатларнинг хақикийлиги ва маълумотларнинг хакқонийлигига тўлик жавобгар булади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгартириш киритиш хукукига эта.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрсидаги Қонун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган қарор кабул килиш бўйича мажбурдир.

5.5. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва туғрилигига жавобгардир. Толиб иштирокчи деб топилгандан сўнг конунчиликда белгиланган тартибда давлаг буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгаришлар киритиш туғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса танлов утказиш туғрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хакли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига дойир тушунтиришлар уларнинг мазмун-мохиятини узгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни куриб чиқиш ва бахолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот эълон килинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва бахолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига дойир тушунтиришларни такдим этиш туғрисида суров юборишга хакли. Давлаг буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Қўштепа туман мактабгача таълим
бўлими мудири
_______________

**Қўштепа тумани Шомирза МФЙда жойлашган 39-ДМТТ биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича**

## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Пудратчи ташкилотнинг тулик юридик манзили, солик ва банк реквизитлари

2.Корхона гувохномаси

3 Корхона низоми

4. Тижорат таклифи (ўзбек тилида ёки лотин алифбосида) таъмирлаш учун таклиф қилинган сумма бўлиши ва ишларни бажариш муддати.

5 давлат буюртмачиси (ташкилот) рахбари номига энг яхши таклифда катнашиш учун алока хати.

6 Ушбу объект учун ишланган бажариладиган ишлар офёрта

7. материаллар ведмости

8. Пудратчининг банклардан карздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисидаги тижорат банки маълумотномасининг асл нусхаси. (энг яхши таклиф ўтказиш кунига 5 иш куни бўйича)

9. хисоб рақамида объектнинг умумий қийматининг 30% миқдорида пул маблағлари мавжудлиги.

10 Хисобот чорагида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги хақида худудий ДСИнинг маълумотномаси асл нусхаси. (энг яхши таклиф ўтказиш кунига 5 иш куни бўйича)

11 Зарурий техникаларнинг мавжудлиги (таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун)

12 Малакали ишчи ходимларининг мавжудлиги

13. пудрат ташкилотининг уч йиллик бажарган ишлар тўғрисидаги маълумотлар. (ташкилот ва идоралар кесимида) ва ижобий хулосалар олинганлиги.

14. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида маълумотнома.

15. Смета лойиҳаси сарф харажатлари ғолиб ташкилот томонидан қопланади.

16. Пудратчи билан хисоб-китоблар миллий валюта сумда амалга оширилади

17. Барча хужжатлар узбек тилида тайёрланиши зарур.

18.Пудрат ташкилотини электрон базадаги рейтинги .

19. Голиб деб топилган иштирокчи билан шартнома имзоланагандан сунг олдиндан 30% тўлов амалга оширилади қолган 70% тўлов иш якунланиб иш хажми, сифати комиссия аъзолари томонидан текширилгандан сўнг тўлаб берилади

20. Энг яхши таклифга куйиладиган иш хизматлар киймати ККС сиз (без НДС) эканлиги инобатга олинсин.

21.таклифлар комиссияси томонидан ЎРҚ-684-сон қонуннинг барча талаблари бўйича кўриб чиқилади.

22. Таъмирлаш ишларини смета лойиха хужжаталрига мувофиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида, таклиф тақдим этаётган субъектлар томонидан тижорат таклифи қиймати буюртмачи томонидан тақдим этилаётган қийматнинг 90% пасаймаслиги шарт. Чунки таъмирлаш ишларини бажаришлик эхтимоллиги комиссия томонидан инобатга олинади ҳамда умумий қийматнинг 90%дан пасайтирилган тақдирда кўриб чиқилмайди.

**Қўштепа тумани мактабгача таълим бўлими ЭХ бошлиғи:** **Р.Тошхўжаев**